Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 35 (320) • 2011 йил 28 август

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ




***Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболларини «барқарор» деб қайта тасдиқлади.***

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар юртимиз иқтисодий қудратини юксалтириш, ўз навбатида, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқишда мустаҳкам замин бўлмоқда. Бу борада Ўзбекистон эришаётган натижалар нуфузли халқаро молия институтлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Жорий йил 22 август куни «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимининг «барқарор» даражадаги рейтинг баҳоси қайта тасдиқланди.

«Мудис» халқаро рейтинг агентлиги берган баҳога кўра, Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган кенг кўламдаги инвестиция дастурлари ва яратилаётган қулай макроиқтисодий шарт-шароит банк тизимининг ликвидлик кўрсаткичлари келгуси 12-18 ой мобайнида ҳам барқарор даражада сақланишини таъминлайди.

Айни пайтда дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатларининг сезиларли пасайиши, айрим ривожланган давлатлар ва йирик молия институтларининг рейтинг баҳолари тушиши кузатилаётган бир вақтда, нуфузли халқаро рейтинг агентлиги томонидан мамлакатимиз банк тизими «барқарор» деб баҳоланиши соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасининг яна бир яққол ифодасидир. Мамлакатимизда банк тизими ҳукумат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланиши, Республика Марказий банки томонидан самарали назорат ўрнатилганлиги ҳамда банклар капиталлашув даражасининг юқорилиги Ўзбекистон банк тизимига «барқарор» рейтинг баҳоси берилишига муҳим замин яратди.

«Мудис» агентлиги экспертлари фикрича, охирги йилларда айрим мамлакатларнинг банк тизими оғир молиявий аҳволга тушган бир вақтда Ўзбекистон банкларининг юқори рейтинг баҳоларини олиши мамлакатдаги макроиқтисодий муҳитнинг барқарорлиги ва молиявий кўрсаткичларнинг мунтазам юқори суръатларда ўсиш тенденциясига эга эканлигини яққол намоён этади.

Хусусан, сўнгги йиллар давомида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг барқарор равишда ўсиши таъминланмоқда ва Агентлик прогнозига кўра, ижобий савдо баланси ва давлат инвестициялари туфайли 2011–2012 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 7 фоиздан кам бўлмайди. Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, яратилган қулай макроиқтисодий шарт-шароит мамлакат банк тизимига ижобий таъсир кўрсатиб, депозитлар ҳажмининг ошиши ва банк кредитларига бўлган талабнинг кўпайишига замин яратаётганлиги таъкидланади.

Эришилган молиявий ва макроиқтисодий барқарорлик, инвестициялар ва аҳоли жамғармалари ҳажмининг йил сайин кўпайиб бораётганлиги республика банк тизимининг тобора мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Хусусан, 2010 йилда мамлакатимиз тижорат банкларининг жами капитали 1,4 баробар ошди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси кўрсаткичи умумқабул қилинган халқаро стандартларга нисбатан 3 баробар юқори бўлиши таъминланди.

Аҳолининг бўш пул маблағларини кредит ташкилотларининг депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш чоралари кўрилаётгани, қулай омонат турлари таклиф этилаётгани, фуқароларнинг банклардаги жамғармалари қонун билан кафолатлангани натижасида омонатлар миқдори 2009 йилдагига нисбатан 52,6 фоизга ошди.

Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ҳажми 34,8 фоизга кўпайди. Банкларнинг умумий кредит портфелида узоқ муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга берилган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

Қайд этиш жоиз, 2010 йилда мамлакатимизнинг 15 тижорат банки «Мудис», «Стандарт энд Пурс», «Фитч рейтингс» халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олган бўлса, 2011 йилга келиб халқаро рейтинг баҳосига эга тижорат банклари сони 18 тага етди, шундан 15 тасининг «барқарор» рейтинг баҳоси қайта тасдиқланди ва қўшимча 3 та банкка янгидан рейтинг баҳоси берилди.

Айни пайтда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Асака» банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Агробанк» 2 тадан етакчи рейтинг агентликларининг баҳосига эга. Яна 6 та тижорат банки рейтинг агентликлари билан ўз фаолиятини баҳолаштириш бўйича келишувларга эга ва рейтинг баҳосини олиш ишлари ташкил қилинган.

Халқаро ташкилот мутахассислари яқин келажакда Ўзбекистон банклари ликвидлигига ҳеч қандай хавф кутилмаётганлигини, халқаро молия бозорларидаги ўзгаришлар мамлакатимиз банклари ликвидлигига салбий таъсир ўтказа олмаслигини таъкидламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори билан мамлакатимиз банк-молия тизимини янада ривожлантириш бўйича аниқ тадбирлар белгиланиб, банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларни халқаро мезонлар асосида баҳолаш тизимини такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

***ЎзА.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йилнинг 1 сентябридан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан «500 so'm» қийматидаги юбилей танга пулларни муомалага чиқаради.***

Тангалар никель қотишмаси билан қопланган пўлатдан тайёрланган, ранги оқ.




Танганинг олд томони (аверс)да Тошкент шаҳри марказида қад кўтарган «Халқаро Анжуманлар саройи» биноси тасвирланган. Тасвирнинг пастки қисмида танганинг қиймати «500» рақами ёзилган. Рақамнинг тагида лотин босма ҳарфлари билан «so'm» сўзи ёзилган. Рақам ва сўз ботиқ ҳолда тасвирланган. Танганинг ташқи қирраси бўйлаб босма лотин ҳарфлари билан «O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGIGA 20 YIL» сўзлари айланасимон кўринишда ёзилган. Сўзнинг боши ва охирини бўртиб чиққан нуқта чегаралаган.

Танганинг орқа томони (реверс) марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвирланган. Гербнинг ташқи қирраси бўйлаб босма лотин ҳарфлари билан «O'ZBEKISTON MARKAZIY BANKI» сўзлари айланасимон кўринишда ёзилган. Герб остининг марказий қисмида танганинг ишлаб чиқарилган йили бўртиб чиққан икки нуқта билан чегараланган «2011» рақами кўрсатилган.

Тангаларнинг орқа томонида гербнинг ташқи айланаси бўйлаб 72 дона бўртиб чиққан сферик нуқталар жойлаштирилган.

Тангаларнинг ён қирраси силлиқ.

Танганинг диаметри – 25,0 мм ни, қалинлиги – 1,6 мм ни, оғирлиги – 6,0 гр ни ташкил этади.

Муомалага чиқарилаётган ушбу 500 so'm қийматидаги тангалар барча муомалада юрган банкнотлар ва тангалар қаторида хўжалик субъектлари ва аҳоли томонидан ҳеч қандай чекланмаган ҳолда ёзилган қиймати бўйича барча тўловлар учун қабул қилиниши шарт.

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборот хизмати.***

### Қонунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

NORMA®
www.norma.uz

***Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.***

## КИЧИК БИЗНЕС: ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда 2011 йил Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан ушбу секторни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг мантиқий давоми сифатида 2011 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қуйидаги имтиёз ва енгилликлар белгиланди, жумладан:

### Солиқ ва божхона соҳаси бўйича имтиёз ва енгилликлар

1. 2012 йилнинг 1 январидан саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилиши белгиланди.

2. 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб:

– солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, амалдаги миқдорига нисбатан учдан бир қисмга камайтирилади;

– юридик шахслар текширувлари натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқига эга.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигига Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини 2014 йилнинг охиригача солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказишни таъминлаш топширилди.

2-бетда

УШБУ СОНДА

1-3-бетлар — Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ
4-бет — Ишдан бўшатиш нафақасига доир
5-бет — Меҳнат дафтарчасини бериш қоидалари
6-7-бетлар — Сентябрда кимлар текширилади?

$1 = 1734,14 сўм | €1 = 2490,36 сўм | £1 = 2858,04 сўм | ¥10 = 226,01 сўм

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ

1-бетда

4. Хўжалик субъектлари ўрнатилган технологик ускуналарга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича республика ҳудудига олиб келинадиган эҳтиёт ва бутловчи қисмлар учун 2016 йилнинг 1 январигача божхона тўловларини (божхона расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод этилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддат ичида:

– юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган санкцияларни бекор қилиш, айни пайтда такрорий қонунбузарликка йўл қўйган хўжалик субъектлари мансабдор шахсларининг маъмурий жавобгарлигини икки бароборга оширишни;

– божхона назорати муддатини уч йил билан чеклаш, шунингдек, товарлар божхона назоратидан ўтказилгандан бир йил кейин, божхона тўловларини қўшимча ҳисоблашни тақиқлашни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш топширилди.

### Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида

Уларнинг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилиниши, яъни, унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши белгиланди.

### Банк фаолиятининг янада очиқлигини ошириш ва либераллаштириш бўйича

Жорий йилнинг 1 сентябридан:

1) кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобрақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди;

2) тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг келишилган ҳажмда кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк кунидан ошмайдиган муддат билан чекланди;

3) хўжалик субъектлари томонидан савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар учун корпоратив пластик карталаридан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга оширишда тўлов терминаллари чеклари бирламчи бухгалтерлик ҳужжатларига тенглаштирилди;

4) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк муассасаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини мустақил топшириш ҳуқуқи берилди.

**Экспортни рағбатлантириш**

1) Микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилди.

2) «Марказсаноатэкспорт» давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси қошида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясини ташкил этиш ва 2011 йилнинг охиригача республика ҳудудларида унинг ваколатхоналари очилиши белгиланди.

## ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ДАСТУРЛАРИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги 227-сон қарори билан Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш, шунингдек улар бажарилиши мониторинги дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

Ҳужжат, шунингдек, қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари ҳар йили қабул қилинади ва келгуси йил мобайнида Қонунчилик палатасига киритиш мўлжалланаётган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашни назарда тутади. Уларга биринчи навбатда: мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари ва режаларида, Президентнинг ҳужжатлари ва топшириқларида, мамлакат ҳукуматининг қарорларида назарда тутилган, шунингдек мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобга олинган ҳолда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббуси ва таклифлари бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳалари киритилади.

Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурига вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббуси ва таклифлари бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳаларини киритиш муфассал концепция ва уларнинг қабул қилинишини асословчи зарур таҳлилий материаллар асосида амалга оширилади.

Уларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар ҳар йили 1 октябргача бўлган муддатда қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларига киритиш учун Адлия вазирлигига тақдим этилиши керак. Адлия вазирлиги ўз навбатида 1 декабрдан кечиктирмай қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Адлия вазирлигига қонун ҳужжатлари лойиҳалари концепцияси ва тушунтириш хатига, тузилмасига ва мазмунига, уларга илова қилинадиган таҳлилий ва ахборот материалларига, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси вакилларини шакллантириш ва Олий Мажлис палаталарида қонун ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама этишда иштирок этиш тартибига қўйиладиган асосий талабларни кўзда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилган.

Тасдиқланган Низомга мувофиқ дастурларга киритиш учун таклифларни тайёрлашда амалдаги қонун ҳужжатларига фақат ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан чекланиб қолмай, қонун ҳужжатларининг мустақил ва яхлит лойиҳаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилади.

Низомда шунингдек Адлия вазирлиги томонидан амалга ошириладиган қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларини тайёрлаш ва ижро этиш жараёни мониторинги масалалари ҳам батафсил тартибга солинган.

## АХБОРОТ ЭКСПЕРТИЗАГА БЕРИЛАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги «Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 228-сон қарори билан Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси** *(бундан кейин – Комиссия)* **ташкил этилди, шунингдек Комиссия тўғрисидаги низом ва унинг таркиби тасдиқланди.**

Ташкил этилаётган Комиссияга қуйидаги вазифалар юкланган:

миллий ахборот макони ва оммавий коммуникация воситалари фаолияти, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдош тизимлар, Интернетнинг глобал тармоғи, ахборотни узатиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари, шунингдек босма маҳсулотлар мониторинги натижаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази томонидан тақдим этиладиган мониторинг материалларини оммавий коммуникация воситаларида тарқатиладиган ахборот материалларининг ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга, фуқароларнинг ижтимоий онгига бузғунчи салбий ахборот-руҳий таъсирнинг олдини олишга, миллий-маданий анъаналар ва меросни сақлаб қолиш ва уларнинг узвийлигини таъминлашга йўналтирилган республика қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш;

оммавий коммуникациялар соҳасида хизматлар кўрсатувчи субъектлар фаолиятида қонунчилик талабларининг аниқланган бузилишлари бўйича хулосаларни тайёрлаш ва тегишли давлат органларига тақдим этиш;

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 26.08.2011 | 1 | 0,7865 | 1 | 1,1331 | 1 | 0,027 |
| Арманистон | 26.08.2011 | 1 | 368,08 | 1 | 531,51 | 1 | 12,75 |
| Беларусь | 27.08.2011 | 1 | 5061 | 1 | 7306,06 | 1 | 175,29 |
| Грузия | 26.08.2011 | 1 | 1,647 | 1 | 2,3799 | 1 | 5,7024 |
| Қозоғистон | 27.08.2011 | 1 | 146,43 | 1 | 211,43 | 1 | 5,07 |
| Қирғизистон | 27.08.2011 | 1 | 44,8978 | 1 | 64,8392 | 1 | 1,5551 |
| Латвия | 29.08.2011 | 1 | 0,488 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0169 |
| Литва | 29.08.2011 | 1 | 2,3915 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,2808 |
| Молдова | 26.08.2011 | 1 | 11,3359 | 1 | 16,374 | 1 | 0,393 |
| Тожикистон | 27.08.2011 | 1 | 4,7532 | 1 | 6,8696 | 1 | 0,1656 |
| Ўзбекистон | 23.08.2011 | 1 | 1734,14 | 1 | 2490,36 | 1 | 59,24 |
| Украина | 26.08.2011 | 100 | 797,15 | 100 | 1149,8092 | 10 | 2,76 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
Ўзбекистон банк тизими барқарорлигининг халқаро эътирофи
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
Тадбиркорлар учун «ягона ойна»
Валюталар курси 1-3-бетлар
✓ АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ
Ишдан бўшатиш нафақаси қанча бўлиши керак 4-бет
✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
Келажакни ҳозирдан ўйланг 5-бет
✓ НАЗОРАТ
2011 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишлар режа-жадвали 6-7-бетлар
✓ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР 8-бет

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига

## ТАДБИРКОРЛАР УЧУН «ЯГОНА ОЙНА»

***Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги байрами арафасида Гулистон шаҳрида Бизнесга кўмаклашиш марказининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.***

Тадбирда давлат тузилмалари, Савдо-саноат палатаси вакиллари, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.

Тадбиркорлик субъектларининг зарур хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва турли рухсатномалар олиш жараёнларини соддалаштириш мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлмоқда. Тадбиркорларга тезкор хизмат кўрсатиш ва янги интерфаол хизматларни жорий этиш зарурати йилдан-йилга кучаймоқда. Амалиёт «ягона ойна» принципи давлат хизматлари кўрсатишнинг самарали шаклларидан бири эканини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ Сирдарё вилояти ҳокимлиги, БМТ Тараққиёт дастури ва Марказий банк билан ҳамкорликда Гулистонда тадбиркорлик субъектларига «ягона ойна» принципи бўйича хизмат кўрсатадиган Бизнесга кўмаклашиш марказини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилган эди.

Савдо-саноат палатаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, ушбу марказда тадбиркорлар ўз фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат идоралари ва тижорат ташкилотларининг ўзаро боғлиқ хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Бизнесга кўмаклашиш маркази маслаҳатчилари икки ва кўп томонлама (агентлик) шартномалар доирасида давлат органлари ва тижорат ташкилотларининг хизматларини тақдим этади, тадбиркорлик субъектларига турли рухсатнома, гувоҳнома ҳамда сертификатлар олишда ёрдамлашади.

Марказнинг очилиш маросими иштирокчилари тадбиркорлар учун бизнесни юритишнинг муҳим жиҳатларига тааллуқли тизимлаштирилган маълумотларни ўз ичига олган ахборот киоски иши билан танишдилар. Шунингдек, марказ томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва уларни кўрсатиш механизмлари, марказнинг давлат тузилмалари ҳамда тижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбир қатнашчилари инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари, ускуна ва технологияларни харид қилиш бўйича зарур ахборотга эга бўлдилар.

Бизнесга кўмаклашиш маркази ташкилотчиларининг фикрича, бу ерда «ягона ойна» принципининг жорий этилиши натижасида тадбиркорлик субъектларининг турли ташкилотлар билан алоқалари сони ва унга кетадиган вақт анча қисқаради, давлат ва тижорат тузилмаларига мурожаат қилишда сарф-харажатлар камаяди. Бу ердаги ахборот киоски ёрдамида электрон ахборот таъминотини жорий этиш тадбиркорларга бизнесни юритишнинг турли масалалари бўйича зарур ахборотни ўзи учун қулай шаклда ва ўз вақтида тезкорлик билан олиш имконини беради.

**ЎзА.**

# ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

миллий оммавий коммуникация воситаларининг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни аниқлаш;

оммавий коммуникациялар соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

## УШЛАНГАН АВТОМОБИЛЛАР УЧУН ШАКЛ

**Ички ишлар вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2011 йил 8 августда 2252-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан ушланган транспорт воситалари ҳисоби шакли тасдиқланди.** Унда қуйидагилар кўрсатилади:

транспорт воситаси русуми;

давлат рақами белгиси;

ҳайдовчи ёки транспорт воситаси эгасининг Ф.И.Ш.;

транспорт воситасини сақланадиган жойга олиб келиш сабаби (ЙҲҚ бузилганлиги, бошқа ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ёки тергов, суд, суриштирув органларининг қарори);

транспорт воситаси олиб келинган ва олиб чиқиб кетилган санаси;

ундириладиган тўлов миқдори;

транспорт воситасини олиб чиқиб кетишга рухсат берган мансабдор шахс ҳақидаги маълумотлар;

транспорт воситасини олиб чиқиб кетаётган ҳайдовчининг имзоси.

Эслатиб ўтамиз, Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг *(ВМнинг 2011 йил 25 майдаги 149-сон қарорига 1-илова)* 12-банди билан назарда тутилишича, тегишли ҳудудда транспорт воситаларини олиб келиш ва сақлаш хизматларини кўрсатувчи **юридик шахслар томонидан ушланган транспорт воситалари ҳисобини юритиш белгиланадиган шакллар бўйича** амалга оширилади.

**2011 йил 18 августдан кучга кирди.**

## АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТИШЛАРИ ШАРТ

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи *(АВ томонидан 2011 йил 9 августда 660-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Уларга биноан, эндиликда Низом талаблари қимматли қоғозлар бозорининг малакали иштирокчиларида, фонд биржаларида ёки бошқа биржаларнинг фонд бўлимларида ишлашга даъвогар бўлган ёки ишлаётган, мажбуриятларига улар номидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш, қимматли қоғозлар бозорида хизматлар кўрсатиш ва (ёки) ишлар бажариш кирадиган жисмоний шахсларга татбиқ этилади.

Мажбурий равишда аттестация қилиниши керак бўлган шахслар энди малака аттестатининг амал қилиш муддати тугаган пайтдан бошлаб навбатдаги аттестациядан ўтишга қадар 2 ой давомида қимматли қоғозлар билан операциялар амалга ошириш ва қимматли қоғозлар бозорида хизматлар кўрсатиш ва (ёки) ишлар бажариш ҳуқуқисиз тегишли лавозимларни эгаллаш ҳуқуқига эгалар.

Бундан буён малакали иштирокчиларда, фонд биржаларида, бошқа биржаларнинг фонд бўлимларида ишловчи аттестациядан ўтган шахсларнинг энг кам сони камида 3 кишидан *(олдин – камида 2 киши)* иборат бўлиши керак.

Молиявий-иқтисодий ёки юридик соҳаларда аъло баҳолар билан тамомлаганлик ҳақидаги дипломга эга бўлган республика олий ўқув юртлари битирувчилари аттестациядан ўтмасдан ва белгиланган йиғимни тўламасдан II тоифадаги малака аттестатини олиш ҳуқуқига эгалар. Бунда диплом берилган санадан бошлаб 3 йилдан кўп бўлмаган вақт ўтган бўлиши керак. Уни олиш учун улар ваколатли органга белгиланган шаклдаги ариза, паспорт нусхаси (Ўзбекистон фуқаролари учун) ёки яшаш гувоҳномаси (хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун), таълим муассасаси ёхуд нотариус томонидан тасдиқланган аъло баҳолар билан битирганлик тўғрисидаги диплом нусхасини тақдим этишлари керак.

Энди аттестация комиссияси *(олдин – ваколатли орган)* аттестациядан ўтказилган шахсларни қайтадан аттестациядан ўтказиш ҳуқуқига эга. Амалдаги малака аттестатига эга бўлган шахс томонидан 1 йил давомида 3 ва ундан кўп марта амалга оширилган, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларни қайта аттестациядан ўтказиш учун асослардан бири ҳисобланади.

Аттестация комиссияси аттестациялаш тест саволлари рўйхатини 1 йилда камида бир марта тасдиқлайди. Уларни ишлаб чиқиш учун тегишли соҳадаги таълим муассасалари ва манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар жалб қилиниши мумкин *(бундан олдин ваколатли орган ўзи тасдиқлаган аттестациялаш тест саволлари рўйхатини очиқ матбуотда ва (ёки) расмий сайтда чоп этиши керак бўлган)*. Аттестациядан ўтаётган шахсларнинг аттестациядан олдин тест саволлари билан танишиш ҳуқуқи ҳақидаги меъёр ҳужжатдан чиқариб ташланди.

Малака аттестатини олишга даъвогарлар ваколатли органга ҳужжатларни аттестация ўтказиладиган санагача 7 иш кунидан кечиктирмай *(олдин – 15 иш куни)* тақдим этадилар ва унга қўйиладиган шахслар рўйхатига киритиладилар. Мазкур рўйхат аттестациядан 2 кун олдин *(олдин – 3 кун)* тасдиқланади.

Ҳужжат билан бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

**2011 йил 19 августдан кучга кирди.**

## ДОННИ ҚАДРЛАНГ!

**Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2011 йил 16 августда 1729-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Дон нархлари ўртасидаги фарқни тартибга солиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Уларга мувофиқ, доннинг улгуржи-сотиш нархини белгилашда энди унга қўлланиладиган устама ва донни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан дон қабул қилиш ва донни қайта ишлаш корхоналарига транспортда ташиш харажатлари, дон тайёрлаш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар учун ажратилган кредит фоизлари ҳисобга олинмайди. Ушбу харажатлар кейинчалик дон таннархи таркибида донни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар таннархига киритилади.

Молия вазирлиги «Ўздонмаҳсулот» АК билан биргаликда давлат ресурсидаги уннинг улгуржи-сотиш ҳамда ундан пишириладиган қолипли нон чакана нархининг чегараланган даражасини ҳали ҳам тартибга солаётганлигини эслатиб ўтамиз.

**2011 йил 26 августдан кучга кирди.**

## ЁММ УЧУН АКЦИЗ

**Молия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2011 йил 16 августда 2254-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан бензин, дизель ёқилғиси ва авиакеросин учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкалари қайта кўриб чиқилди.** Чунончи, ёқилғи-мойлаш материалларининг бир тоннаси учун қуйидаги миқдорларда қатъий минимал миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкалари белгиланди:

Аи-80 маркали бензинга – камида 321 430 сўм;

Аи-91, А-92 ва Аи-93 маркали бензинга – камида 353 430 сўм;

Аи-95 маркали бензинга – камида 408 890 сўм;

ЭКО дизель ёқилғисига – камида 284 250 сўм;

дизель ёқилғисига – камида 273 400 сўм;

авиакеросинга – камида 50 580 сўм.

**2011 йил 26 августдан кучга кирди.**

## НОТАРИУС ТАСДИҒИ ШАРТ ЭМАС

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2011 йил 16 августда 1948-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Уларга биноан, энди юридик шахслар банкка таъсис ҳужжатлари ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхаларини тақдим қилаётганда уларни нотариусда тасдиқлашлари шарт эмас, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар бундан мустасно. Улар учун таъсис ҳужжатлари ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхаларини нотариал тасдиқлаш талаби сақлаб қолинган. Шунингдек мижознинг юридик йиғмажилдида сақлаш учун қўшимча равишда мижоз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхалари ҳам тақдим қилиниши керак.

Энди юридик шахс тугатилаётганда, унинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банкка тугатиш комиссиясининг амал қилиш муддати кўрсатилган корхонани тугатиш тўғрисидаги қарори ҳамда тугатиш комиссияси раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари намуналари қўйилган варақча нотариал тасдиқланган ҳолда тақдим қилинади. Шундан сўнг, мижознинг асосий ҳисобварағига уни тугатишга доир ягона ҳисобварақ мақоми берилади.

**2011 йил 26 августдан кучга кирди.**

## ЭЛЕКТР ТАРМОҒИГА ҚАЙТАДАН УЛАНИШ УЧУН ТЎЛОВ

**Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи *(АВ томонидан 2011 йил 16 августда 2255-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун тармоқдан узилган истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига қайтадан улаш учун тўловни ундириш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.**

Унга мувофиқ, Қоидаларни бузганлик учун электр тармоғидан узилган истеъмолчининг электр қурилмаларини электр тармоқларига қайтадан улаш учун истеъмолчи ҳуқуқбузарликни бартараф этиб, ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ёзма ариза билан мурожаат қилиши керак. Корхона вакили истеъмолчи билан биргаликда истеъмолчининг электр қурилмаларини электр тармоғидан узишга сабаб бўлган Қоидаларни бузиш ҳолатлари бартараф этилганлигини текшириб, икки томонлама далолатнома тузади. Унинг асосида истеъмолчига тўлов учун ҳужжат тақдим этилади. Тўлов тўланиб, тўлов ҳужжати ҳудудий электр тармоқлари корхонаси вакилига топширилганидан сўнг, истеъмолчининг электр қурилмалари электр тармоқларига навбат бўйича 3 кун ичида қайтадан уланади.

Ҳужжат билан қайтадан улаш учун тўлов ставкалари белгиланди. Чунончи, маиший истеъмолчи учун у электр тармоқларига улаш туридан келиб чиқиб ЭКИҲнинг 0,5 бараваридан 1 бараваригачани, истеъмол куввати 750 кВАдан юқори бўлган ҳужалик юритувчи субъектлар учун – ЭКИҲнинг 10 бараварини ташкил қилади.

Истеъмолчи электр тармоқларига ўзбошимчалик билан уланган ёхуд у томонидан Қоидалар 1 йил давомида такроран бузилган (маиший истеъмолчилар бундан мустасно) ҳоллар аниқланганда қайтадан улаш учун тўлов ставкаси икки баробар оширилади.

Электр тармоқларига қайтадан улаш учун амалга оширилган тўловлар истеъмолчини Қоидалар бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод қилмаслиги ҳам белгиланган.

**2011 йил 26 августдан кучга кирди.**

***2011 йил 6 августдан 19 августгача бўлган даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини «Norma» МЧЖ юрисконсульти Абдураҳмон БАХТИЕВ тайёрлади.***

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

***Ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсийислоҳотларга мос бўлиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.***

Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни тақозо этаётгани алоҳида таъкидланди.

Мустақиллик йилларида қонунлар ва қонунчилик техникасини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу борада «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги, «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тартиби ва амалиёти» мавзуида ташкил этилган семинарда ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар ва галдаги вазифалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон адлия вазирининг ўринбосари Қ.Тоғаев бошқарган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қонунчилик базасининг муттасил мустаҳкамланаётгани жамият ҳаётининг барча жабҳаларини босқичма-босқич ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро мутаносиблиги ва амалиётда аниқ қўлланилишига хизмат қилаётир. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Адлия вазирлиги тизимида нафақат қонун ҳужжатлари лойиҳасини тайёрлаш, балки ҳуқуқни қўллаш амалиёти доимий таҳлил қилинаётгани ва мониторинги юритилаётгани, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар тайёрлаш тизими яратилгани ўз самарасини бермоқда.

Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказаш жараёнида уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги юзасидан тайёрланаётган хулосалар ҳар бир ҳужжатнинг пишиқ ва пухталигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг юридик хизмати ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган семинарда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши, уларнинг ҳуқуқий экспертизаси, мамлакатимизда маъмурий адлия ривожининг асосий йўналишларига бағишланган маърузалар тингланди.

***ЎзА.***

# ИШДАН БЎШАТИШ НАФАҚАСИ ҚАНЧА БЎЛИШИ КЕРАК

***Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси қачон бекор қилинади ва у бекор қилинганда бериладиган ишдан бўшатиш нафақасидан даромад солиғи ушланадими? Шунингдек, бошқа ажратмалар олиниши тўғрисида маълумот беришингизни сўрайман.***

**Ф.Раҳмонов.**
**Фарғона шаҳри.**

– **1.** Меҳнат шартномаси бекор қилиниши иш берувчининг буйруғида асослантирилади ва Меҳнат кодексининг *(бундан буён матнда МК деб юритилади)* тегишли моддаларига мувофиқ ҳолда ёзилади.

МКнинг 97-моддасида ходим билан иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари белгилаб берилган. Унга мувофиқ, меҳнат шартномаси қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

1) тарафларнинг келишувига кўра. Ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;

2) тарафлардан бирининг ташаббуси билан *(МК, 99-модда. «Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш»; 100-модда. «Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш»)*;

3) муддатнинг тугаши билан (МК, 105-модда);

4) тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра (МК, 106-модда);

5) меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра. Меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисидаги шарт меҳнат шартномасида бу шартнома иш берувчи томонидан корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилганда, шунингдек қонунда йўл қўйиладиган бошқа ҳолларда ҳам назарда тутилиши мумкин.

6) янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати билан.

**2.** Меҳнат шартномаси баъзи бир асосларга кўра бекор қилинганда ходимларга моддий мадад бериш учун қўшимча кафолатлар белгиланади.

Хусусан, меҳнат шартномаси бекор қилинган қуйидаги ҳолларда ходимга ишдан бўшатиш нафақаси тўланади:

иш берувчининг ташаббуси билан (МКнинг 100-модда иккинчи қисмининг 1-(технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги), 2-(ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши), 5-(ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги), 6-(корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинганлиги) ва 7-(ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда) бандлари);

тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, МКнинг 106-моддаси 1-(ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда) ва 2-(шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда) бандларида назарда тутилган ҳолатларга биноан;

меҳнат шартномаси МКнинг 106-моддаси 4-бандига (ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса) биноан;

ходим янги меҳнат шартлари асосида ишни давом эттиришни рад этганлигида *(МК 89-моддасининг тўртинчи қисми)*.

Ходим ўзининг меҳнат вазифаларини бажармаганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинганда, яъни МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 3- (ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги), 4-(ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги) бандлари билан бекор қилинганда ҳамда ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар ходимнинг айби билан бузилган ҳолда (суднинг муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукмини яшириш, сохта ҳужжатлар тақдим этиш ва ҳоказо) ишдан бўшатиш нафақаси тўланмайди.

Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ходимга тегишли бўлган ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори (6-илова) билан тасдиқланган бўлиб, унга кўра:

таътиллар вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи биринчи йил ишловчиларга ҳисоблаб чиқариш кунидаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда уларни ўн иккидан бирга (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бирга; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бирга ва ҳоказолар), ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчилари учун ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган суммани ўндан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Уларга ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар ҳам қиради.

Солиқ кодексининг *(бундан буён матнда – СК)* 179-моддаси 20-бандига асосан, меҳнат шартномаси бекор қилинганида энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа нафақалар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилган.

СКнинг 307-моддасига кўра, ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланади. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар жисмоний шахснинг бошқа даромадлари таркибига киритилади *(СКнинг 178-моддаси 15-банди)*, тегишинча, нафақага ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳисобланмайди.

***1-МИСОЛ.***

*Корхонанинг штатлар жадвалига биноан 250 000 сўм лавозим маошига эга бўлган ходим 2011 йил 1 июлда ходимлар сони қисқартирилганлиги сабабли ишдан бўшатилди. 2010 йил 1 июлдан 2011 йил 1 июлгача ушбу ходим учун ҳисобланган маошга қўшимча тўловлар миқдори 1 205 000 сўмни ташкил этган. Жумладан, улардан*

*моддий ёрдам – 500 000 сўм;*
*мукофот пуллари – 705 000 сўм.*

Штатлар қисқартирилиши туфайли меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда, иш берувчи ходимни ўзининг меҳнат шартномасини бекор қилиш мақсади ҳақида ёзма равишда (имзо чектириб) камида икки ой олдин хабардор қилиши шарт.

Олдиндан хабардор қилиш муддати иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга асосан хабардор қилиш муддатига мос пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин.

Штатлар қисқартирилиши туфайли ходим ишдан бўшатилаётганда, МКнинг 109-моддасига мувофиқ, унга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси шартнома бекор қилиниш кунига тўланиши лозим.

Бизнинг мисолимизда меҳнат шартномасининг бекор қилиниш куни 2011 йил 1 июлни ташкил этмоқда.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда, ишдан бўшатиш нафақасининг суммасини аниқлаш мақсадида ўртача ойлик иш ҳақи 308 750 сўмни (250 000 + (705 000/12)) ташкил этади. СКнинг 178-моддаси 16-бандига кўра, моддий ёрдам суммаси бошқа даромадлар таркибига киритилиб, ундан ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳисобланмайди *(СКнинг 306-моддаси)*, шу сабабли ходимга 2011 йил январь-июнь ойларида ҳисобланган 500 000 сўм моддий ёрдам суммаси ўртача ойлик иш ҳақининг ҳисоб-китобида ҳисобга олинмайди.

Демак, штатлар сони қисқартирилганлиги туфайли ишдан бўшатилган ходимга 308 750 сўм миқдорида нафақа тўланади ва ушбу сумма жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайди ҳамда ягона ижтимоий тўлов, суғурта бадалларининг солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Ушбу операциялар бухгалтерия ҳисобида акс эттирилганда 21-сон БХМСда ходимларни ишдан бўшатиш нафақаларининг ҳисобини юритишлари учун мўлжалланган 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счётида юритилади. Штатлар сони қисқартирилганлиги туфайли ишдан бўшатилган ходимга ҳисобланган ишдан бўшатиш нафақасининг суммаси 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счётининг кредитида 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счёти билан корреспонденцияда ҳамда ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш – 6710 счётининг дебетида, 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти билан корреспонденцияда ифодаланади:

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Сумма, сўм | 21-сон БХМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Дебет | Кредит | |
| 1 | Штатлар сони қисқартирилганлиги туфайли ишдан бўшатилган ходимга ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобланди | 308 750 | 9 430 | 6 710 | Ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ, бухгалтерия ҳисоб-китоби |
| 2 | Ишдан бўшатиш нафақаси тўланди | 308 750 | 6 710 | 5 010 | Қайднома ёки чиқим ордери |

***2-МИСОЛ.***

*2011 йил 1 апрелда ходим, у билан меҳнат шартномаси 1 июндан бекор қилиниши ҳақида ёзма равишда хабардор қилинган эди. Аммо, иш берувчи билан келишган ҳолда хабардор қилиш муддати пуллик компенсацияга алмаштирилди ва меҳнат шартномаси 1 апрелдан бекор қилинди.*

Ходимга у билан келишувга асосан компенсацияга алмаштирилган огоҳлантириш унинг муддатига (апрель ва май ойлари) мувофиқ келадиган пуллик компенсация ва ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшаш нафақаси тўланиши лозим *(МКнинг 102, 109-моддалари)*.

Агар ходим ишга жойлаша олмаганлигини меҳнат дафтарчаси билан тасдиқласа, у МКнинг 67-моддаси 1-қисмига мувофиқ июнь ойида иккинчи ой (февраль) учун ўртача ойлик иш ҳақини олиш ҳуқуқига эга.

Ушбу ходим, меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг 10 кун муддат ичида, яъни 1 апрелдан 11 апрелгача бўлган муддатда маҳаллий меҳнат идорасида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлса ва июль ойида бу тўғрисида меҳнат идорасининг маълумотномасини тақдим қилса, унга учинчи ой (июнь) учун ҳам илгариги иш жойидан ўртача ойлик иш ҳақи тўланади.

***3-МИСОЛ.***

*Корхона тугатилиши муносабати билан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси 2011 йил 1 апрелда бекор қилинди. Иш берувчи 2011 йил 1 февралда ходимни ёзма равишда у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисида хабардор қилди. Ходим хабардор қилиш муддати давомида ўзига иш қидирди ва 2011 йил 1 мартда янги ишга жойлашди.*

Корхона томонидан ходимга февраль ойи учун иш ҳақи тўлови ва фойдаланилмаган таътил учун компенсация, агар у ундан фойдаланмаган бўлса, амалга оширилади.

Ходим хабардор қилиш муддати давомида янги ишга жойлашганлигини ҳисобга олиб, бу ҳолатда МКнинг 67-моддаси қўлланилмайди, яъни ходимга қўшимча тўловлар амалга оширилмайди.

***4-МИСОЛ.***

*Корхона тугатилиши муносабати билан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси 2011 йил 1 апрелда бекор қилинди. Иш берувчи ходимни ёзма равишда у билан тузилган меҳнат шартномаси 2011 йил 1 апрелда бекор қилиниши тўғрисида хабардор қилмади.*

*Ходимнинг лавозим маоши 230 000 сўмни ташкил этади. Шунингдек, унга лавозим маошига 20% миқдорида устама белгиланган.*

МКнинг 102-моддасига асосан иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан бекор қилинганда камида икки ой олдин хабардор қилиши лозим.

Ушбу вазиятда ходим ёзма равишда у билан тузилган меҳнат шартномаси 2011 йил 1 апрелда бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирилмаганлиги сабабли иш берувчи ходимга икки ойлик пул компенсациясини, ходимнинг йўқотилган тегишли иш ҳақи миқдорида тўлаши лозим.

Ходимнинг иш ҳақи, устамаларни ҳисобга олган ҳолда, 276 000 сўмни (230 000 + 230 000 x 20%) ташкил этади, тегишлича, ходимга корхона томонидан 552 000 сўм (276 000 x 2) миқдорида пуллик компенсация тўланиши лозим.

1 апрелда (меҳнат шартномасини бекор қилиш куни) ходимга пул компенсацияси ва ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

**Жавобни эксперт**
**Ғуломжон ТЎЛАГАНОВ**
**тайёрлади.**

# КЕЛАЖАКНИ ҲОЗИРДАН ЎЙЛАНГ



***Сўнгги йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида пенсия қонунчилигига бир қатор муҳим янгиликлар киритилди. Эртанги кундан хотиржам бўлиш учун меҳнат қонунчилигига оид ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришни ҳозирдан бошлаган маъқул, албатта. Ишга қандай тўғри жойлашиш керак? Меҳнат дафтарчаси ким томонидан ва қандай муддатда очилади? Меҳнат дафтарчасини қаердан ва қандай тартибда сотиб олиш мумкин?***

***Ушбу саволлар билан биз Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Бахтиёр МИРХАНОВга мурожаат қилдик.***

– Биринчи навбатда шуни таъкидлаб ўтишим керакки, бу муҳим ва долзарб масала кўп фуқароларни, айниқса олийгоҳ, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи битирувчиларини қизиқтирмоқда. Бинобарин, бу масала барча турдаги иш берувчи корхоналар учун ҳам ўта муҳимдир. Аксарият ҳолларда меҳнат дафтарчаларини сотиб олиш, уларни ҳисобга олиш, сақлаш, юритиш ва тўғри тўлдиришда хато ва камчиликларга айнан улар томонидан йўл қўйилмоқда.

Яна бир бор таъкидлайман – барча турдаги иш берувчи корхоналар Меҳнат дафтарчаларини юритиш тўғрисидаги йўриқнома талабларига қатъиян риоя қилишлари шарт[1] *(кейинги ўринларда – 402-сон йўриқнома)*. Ушбу Йўриқнома талабларига биноан меҳнат дафтарчалари ходимларнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлиб, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда **5[illegible]ндан ортиқ ишлаган**, шу жумладан, муайян муддатга ёлланганларга, шунингдек, давлат ижтимоий суғурта қилиниши кўзланган тақдирда, штатлар жадвалидан ташқари ходимларга ҳам юритилади.




Хусусий тадбиркорлик ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс бўлмаган фуқароларга ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларда ишловчиларга меҳнат дафтарчаларини бериш, меҳнат стажини белгилаш туман ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Илк бор ўзининг меҳнат фаолиятини шундай ишларда бошлаган ходимларга меҳнат дафтарчалари туман ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан расмийлаштириб берилади.

**Ҳ**АР БИР корхона ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, лекин штат жадвалида назарда тутилган ходимлар сонидан ошмаган ҳолда, меҳнат дафтарчалари сотиб олиш ҳуқуқига эга. Меҳнат дафтарчалари ва меҳнат дафтарчаларига қўшимча варақлар корхоналар томонидан маҳаллий меҳнат органларидан олди-сотди шартномаси асосида сотиб олинади. **Меҳнат дафтарчаларини бошқача тартибда сотиш, шунингдек, фуқаролар томонидан меҳнат дафтарчаларини сотиб олиш тақиқланади.**

Меҳнат дафтарчалари ва меҳнат дафтарчаларига қўшимча варақларни сотиб олиш шартномасини тузиш учун корхоналар маҳаллий меҳнат органларига ёзма мурожаат қилишлари лозим. Ёзма мурожаатда штат жадвали бўйича ходимлар сони, вакант лавозимлар (жойлар) сони, шунингдек, меҳнат дафтарчаси берилиши лозим бўлган ходимлар тўғрисида маълумотлар кўрсатилади.

**Меҳнат дафтарчаси корхоналар томонидан қайта сотишга ёки бошқача тартибда бегоналаштирилишига йўл қўйилмайди.**

Меҳнат дафтарчаси ходим иш ҳақи оладиган корхонанинг ходимлар бўлимида ёки шунга масъул этилган шахсда сақланади. Ўриндошлик асосида ишлаётганларники эса асосий иш жойларида сақланади.

Меҳнат дафтарчалари Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида иш берувчи томонидан ходимнинг иштирокида тўлдирилади.

Меҳнат дафтарчасига қуйидаги маълумотлар киритилади:

ходим тўғрисида: фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси, маълумоти, касби, мутахассислиги;

иш тўғрисида: ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида.

**Меҳнат дафтарчаларига интизомий жазолар тўғрисидаги маълумотлар ёзилмайди.** Меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиниши, бошқа доимий ишга ўтказилиши каби барча турдаги ёзувлар иш берувчи томонидан буйруқ берилгандан сўнг киритилади ва бу ёзув буйруқнинг мазмунига мос бўлиши шарт.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

Меҳнат дафтарчасини бериш иш берувчининг айби билан кечиктирилса, у ҳолда бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади (масалан, моддий жавобгар ходимни бириктирилган анжомларни вақтида топширмаганлиги учун баҳона қилиб меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса). Бундай ҳолда ишдан бўшаш куни бўлиб меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланади. Ишдан бўшаган кунининг янги санаси тўғрисида буйруқ чиқарилиб, ходимнинг меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади. Бўшаган куни тўғрисида илгари киритилган ёзув белгиланган тартибда бекор қилинади.

Меҳнат дафтарчаси йўқолганда, фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда ёки айрим сабабларга кўра қалбаки деб топилган тақдирда нима қилиш керак, деган савол кўпчиликни қизиқтиради.

Бу ҳолатлар 402-сон йўриқномада ўз аксини топган. Меҳнат дафтарчаси ходимга фақатгина меҳнат шартномаси бекор қилинганида берилади. Бошқа ҳолларда ходимнинг талабига биноан меҳнат дафтарчасидан кўчирма ёки нусха берилади.

**М**ЕҲНАТ дафтарчаси йўқотиб қўйилган тақдирда, шунингдек, фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолган ҳолларда (йиртилган, ёнган, ёзувлари бўялганда) **меҳнат дафтарчасининг дубликати** ходимнинг охирги иш жойидан берилади.

Меҳнат дафтарчасини йўқотган шахс бу тўғрида **зудлик билан** охирги иш жойига **ёзма хабар** бериши лозим. Хабарномадан сўнг **15 кундан кечиктирмасдан** иш берувчи ходимга биринчи бети юқори қисмининг ўнг томонига **«Дубликат»** деб ёзилган ҳолда янги меҳнат дафтарчасини беради.

Меҳнат дафтарчасининг дубликати умумий қоидаларга биноан тўлдирилади. Меҳнат дафтарчасининг дубликати тўлдирилаётганда «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимида охирги иш жойидаги иши тўғрисидаги маълумотлар илгариги буйруқлар асосида ёзилади.

Борди-ю, ходим мазкур корхонага ишга кирмасдан олдин ишчи ёки хизматчи вазифасида ишлаган бўлса, унда меҳнат дафтарчаси дубликати «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимининг 3-устунига, мазкур корхонага ишга келмасдан илгариги ишлагани тўғрисидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган умумий иш стажи ёзилади.

Меҳнат дафтарчаси эгасининг олдинги умумий иш стажи жамланиб, яъни қайси корхонада, қайси даврда ва қайси лавозимларда ишлаган йиллари, ойлари ва кунлари умумий тарзда ёзилади. Масалан, бир иш жойида бошқа ишга ўтказилганлиги ва бошқа маълумотлар кўрсатилмайди.

Яна бир бор иш берувчиларнинг ва биринчи маротаба ишга жойлашаётганларнинг эътиборини қаратмоқчиман. **Меҳнат дафтарчалари фақат маҳаллий меҳнат органларида пул ўтказиш йўли билан харид этилади. Турли киоскалар, ярмаркалар ва бошқа савдо муассасаларида сотиб олинган меҳнат дафтарчалари ноқонуний деб ҳисобланади.**

Янги меҳнат дафтарчаси ёки дубликат бераётганда иш берувчи ходимдан Ўзбекистон Республикасида белгиланган **энг кам иш ҳақининг 10% миқдорида** тўлов ундиради.

**Корхона ва ташкилотларда ходимлар ишдан бўшаганда турли сабабларга кўра меҳнат дафтарчаларини олмай кетган ҳолатлар учрайди. Бундай ҳолларда** улар ишлаётган ходимларнинг меҳнат дафтарчаларидан алоҳида қилиниб, корхона ходимлар бўлимида 2 йил давомида сақланади. Ушбу муддат давомида ҳам йўқлаб келинмаган ва олинмаган меҳнат дафтарчалари иш берувчи архивида 50 йил сақланади ва ушбу муддатдан сўнг белгиланган тартибда йўқотилиб юборилиши мумкин.

Пировардида шуни айтмоқчиманки, меҳнат дафтарчаларини сотиб олиш, уларнинг нархи, ҳисоботни олиб бориш ва сақлашга доир масалалар бўйича барча саволларга республикамиз ҳудудларидаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларининг қуйидаги телефон рақамларига қўнғироқ қилиб, жавоб олиш мумкин.

| *Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари* | *Манзили, телефони* |
|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | Нукус ш., Дўстназарова к., 64<br>(8-361) 222-86-83 |
| Андижон вилояти | Андижон ш., А. Навоий к., 125<br>(8-374) 222-19-34 |
| Бухоро вилояти | Бухоро ш., Мустақиллик к., 1<br>(8-365) 223-29-94 |
| Жиззах вилояти | Жиззах ш., Ш.Рашидов к., 259 А<br>(8-372) 22-63-396 |
| Қашқадарё вилояти | Қарши ш., Хонобод к., 46<br>(8-375) 224-13-30 |
| Навоий вилояти | Навоий ш., Навоий к., 43 А<br>(436) 224-23-00 |
| Наманган вилояти | Наманган ш., Нодир к. 3<br>(8-369) 226-59-21 |
| Самарқанд вилояти | Самарқанд ш., Кўксарой майдони, корпус-2,<br>(8-366) 233-57-04 |
| Сирдарё вилояти | Гулистон ш., Мустақиллик к., 35<br>(8-367) 225-04-71 |
| Сурхондарё вилояти | Термиз ш., А.Каримов к., 48<br>(8-376) 223-28-51 |
| Тошкент вилояти | Фарҳод к., 3<br>250-44-10 |
| Фарғона вилояти | Фарғона ш., М.Қосимов к., 4<br>(8-373)224-50-36 |
| Хоразм вилояти | Урганч ш., Ал-Хоразмий к., 53<br>(8-362) 226-00-55 |
| Тошкент шаҳри | Шаҳрисабз к., 34<br>236-00-25, 236-00-03, 236-36-54 |

[1] *Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*

